ABBYY PDF Transformer 2.0
Click here to buy
www.ABBYY.com

O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O’RTA MAXSUS TA’LIM VAZIRLIGI
URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI
JISMONIY MADANIYAT FAKUL’TETI
“Jismoniy madaniyat nazariyasi va metodikasi” kafedrasi

512000 Jismoniy madaniyat yo’nalishi
uchun tayyorlangan
PRIZINTATSIYASI
Mavzu: “Xalqaro sport harakati tarixi.”.
O’qtuvchi: D.B.Yaqubova

Urganch 2015 yil

ABBYY PDF Transformer 2.0 Click here to buy www.ABBYY.com

ABBYY PDF Transformer 2.0 Click here to buy www.ABBYY.com

Xalqaro sport harakati tarixi.



ABBYY PDF Transformer 2.0 Click here to buy www.ABBYY.com

Reja :

- *Per de Kuberten faoliyati.*
- *Xalqaro Olimpiya harakati.*

ABBYY PDF Transformer 2.0 Click here to buy www.ABBYY.com

Per de Kuberten faoliyati.

- Qadimgi olimpiya o'yinlarining o'tkazilishi to'xtatilganidan keyin (394 y.) roppa-rosa bir yarim ming yildan oshiq vaqt o'tdi. 1894 yilda Xalqaro Olimpiya qo'mitasining tashkil etilishi va 1896 yil I Olimpiya o'yinlarining o'tkazilishi bilan sport olamining yangi tarixiy davri boshlandi. Bu ikki katta sohaning tashkil etilishi fransuz jamoat arbobi, pedagog va ma'rifatchi baron Pyer de Kuberten (1863-1937) faoliyati bilan chambarchas bog'liqdir.U zodagon oilasida tug'ilib, tarbiya oladi. Uning dunyoqarashi demokratiyaga ishonch, sportdagi irq, millatchilik va kamsitishlarga nafrat ruhida shakllangan. Bir qancha yillar Fransuz sport uyushmasida kotib bo'lib xizmat qilgan. U jismoniy tarbiya va sport bo'yicha qator kitoblarning muallifidir.
- Kubertenning xalqaro olimpiya harakati rivoji uchun qilgan xizmatlari hech bir narsaga almashtirib bo'lmas darajada bebahodir.
- Birinchi xalqaro kongress 23 iyun 1894 yilda Parijdagi Sorbonna univresitetida o'tkaziladi. Keyinchalik bu tadbir I Olimpiya Kogressi deb ataladi.
- Kongressda 12 mamlakat vakilari ishtirok etadi. 21 mamlakat esa yozma ravishda o'z roziligini bildiradi. Katta mamlakat hisoblangan Germaniya bundan bosh tortadi, chunki mamlakat tepasidagi harbiylar Olimpiya o'yinlari g'oyalariga qarshi edilar.

- Kogressda asosan to'rtta masala muhokama etiladi, ya'ni:
- -Havaskorlik va professional sport haqida.
- -Olimpiya o'yinlarini qayta tiklash to'g'risida.
- -O'yinlarning dasturi va uni o'tkazish tartiblari haqida.
- -Xalqaro Olimpiya qo'mitasining tarkibi haqida.
- Kongressda Xalqaro Olimpiya qo'mitasi tuzilganligi haqida qaror qabul qilindi. Olimpiya qo'mitasining birinchi Prezidenti etib yunonistonlik Demetrius Vikelas (1894-1896) saylandi. Keyinchalik uning o'rnini Pyer de Kuberten egalladi va to 1925 yilgacha XOQ Prezidenti sifatida faoliyat ko'rsatdi. So'nggi 12 yil davomida u XOQ Faxriy Prezidenti deb hisoblandi.
- Kongressda Olimpiya xartiyasi (Ustav) tasdiqlandi. Unda XOQning maqsad va vazifalari, o'yin qoidalari va ular bilan bog'liq asosiy masalalar ifoda etilgan edi.
- I Kongress Xalqaro Olimpiya harakatida muhim ahamiyatga ega bo'ldi. Uning mohiyati keyingi Olimpiya harakatini rivojlantirishda asosiy o'rinda turadi. Kongress kun tartibidagi barcha masalalarni ko'rib chiqib, tegishli qarorlarni qabul qildi.

ABBYY PDF Transformer 2.0
Click here to buy
www.ABBYY.com

XALQARO OLIMPIYA HARAKATI

- **Olimpiya harakati** – bu jamiyat taraqqiyoti bo'lib, u Olimpiya g'oyalari va mafkurasi tamoyillariga tayanadi, shu asosda insonlar va tashkilotlarni ularning millati, irqi va yashash joylaridan qat'iy nazar o'ziga birlashtiradi. Ularning sport, sport gimnastika va o'yinlarni o'zlarining asosiy faoliyati deb bilishlariga ko'maklashuvchi ijtimoiy faoliyatdir.
- Olimpiya harakatining asosiy vazifalari quyidagicha:
- - Olimpiya g'oyalarining tamoyillarini jahonga yoyish;
- - Olimpiya sport turlarini tashkil etish va rivojlantirishga ko'maklashish;
- - Sportni targ'ibot qilish, imkoniyat doirasida ulardan jismoniy, ma'naviy va estetik tarbiyada foydalanishni ifodalash;
- - «Olimpiya birdamligi» (solidarnost) dasturini tarqatish (singdirish) yo'lida sharoitlar yaratish;
- - har to'rt yilda bir marotaba Olimpiya o'yinlariga tayyorgarlik va uni o'tkazish.

ABBYY PDF Transformer 2.0
Click here to buy
www.ABBYY.com

ABBYY PDF Transformer 2.0 Click here to buy www.ABBYY.com

- Olimpiya o'yinlari – bu sportchi-olimpiyachilarning majmuiy xalqaro musobaqasidir. Jahon yoshlarining buyuk (ulug') bayrmidir. O'yinlar barcha mamlakatlarning kuchli sportchilarini birlashtiradi va musobaqalarda halol va teng huquqlilik asosida qatnashishlarini ta'minlaydi.
- Olimpiya o'yinlari barcha mamlakatlar va ularning sportchilaridagi sport mahorati, ahloqiy, estetik va insonparvarlik g'oyalarini namoyon etuvchi ko'zgu sifatida xizmat qilmoqda.
- XOQ tarkibida 1950 yilda milliy olimpiya qo'mitalarining soni 68 ta bo'lsa, 1997 yilda 197 va 2000 yilga kelib esa ularning soni 200 dan oshib ketdi. Bu Olimpiya harakatining baynalmilallik yo'lidagi ijobiy faoliyatlaridan biridir.
- Olimpiya o'yinlari bu sport mahorati maktabidir. Olimpiya o'yinlari ta'lim-tarbiya tizimidagi shaxsning barkamollikka erishuvi yo'lidagi barcha faoliyatlarni takomillashtirishga bevosita yordam beradi.
- Olimpiya o'yinlari xalqaro Olimpiya harakatining eng yuqori cho'qqisidir.

ABBYY PDF Transformer 2.0 Click here to buy www.ABBYY.com

АФИНА 1896 ЙИЛ

Афина (**Греция**). I **олимпиада ўйинлари**.

- 6-15 **апрел**, 1896 **йил**

- Илк маротаба Грецияда ташкиллаштирилган олимпиада ўйинларида 14 мамалакатдан 241 нафар спортчи иштирок этди. (Австралия, Австрия, Болгария, Буюк Британия, Венгрия, Германия, Греция, Дания, АҚШ, Франция, Чили, Швейцария, Швеция). Илк маротаба ташкиллаштирилган олимпиада ўйинларида аёллар иштироки таъқиқлаб қўйилганди. Илк олимпиада чемпиони америкалик пойгачи Конноли бўлди. Сузиш мусобақаларида эса венгриялик Альфред Хайош икки олтин медал билан ғолибликни қўлга киритди. Биринчи олимпиада ўйинлариданоқ ғолиб спортчининг ватани шарафига мадҳиялар янграши анъана қилиб қўйилди. Грециядаги олимпиада ўйинларида мезбонлар биринчи поғонани банд этишган бўлса, АҚШликлар иккинчи, германияликлар эса учинчи ўринларни соҳиби бўлишди. Олимпияда уйинларида 9 та спорт туридан жами 43 та медаллар жамланмаси уйналди

ABBYY PDF Transformer 2.0 Click here to buy www.ABBYY.com

ПАРИЖ 1900

- **Париж (Франция**). II о**лимпиада ўйинлари**.
- 20 **май** – 28 о**ктябр**, 1900 **йил**.
- Парижга 24 мамлакатдан 997 нафар спортчи ташриф буюришди. Узоқ тортишувлардан сўнг ниҳоят МОҚ раҳбарлари Парижда ташкиллаштирилган олимпиада ўйинларида аёлларнинг ҳам иштирок этиши учун имконият беришди. Улар теннис ва гольф спорт турлари бўйича баҳс олиб бордилар. Америкалик Шейла Купер теннис мусобақасида рақибларидан устун келиб, аёллар ўртасида илк олимпиада чемпиони сифатида тарих зарварақларидан ўрин эгаллади. Париждаги олимпиада ўйинларида 20 та спорт туридан 95 та медаллар ўйналиб, шулардан 26 тасини қўлга киритган мезбонлар умумжамоа ҳисобида биринчи, АҚШликлар иккинчи, Буюк британиялик спортчилар эса учинчи ўрин соҳиби бўлишди. Олимпияда уйинларида 20 спорт туридан жами 95 та медаллар жамланмаси уйналди.

ABBYY PDF Transformer 2.0
Click here to buy
www.ABBYY.com
ABBYY PDF Transformer 2.0
Click here to buy
www.ABBYY.com



СЕНТ-ЛУИС 1904

- **Сент-Луис** (А**ҚШ**). III о**лимпиада ўйинлари**.
- 1 **июл** - 23 **ноябр**, 1904 **йил**.
- АҚШга келиш учун чипталар нархи баланд бўлганлиги туфайли олимпиада ўйинларига Европадан бор-йўғи 39 спортчигина ташриф буюрди. 12 мамлакатдан жами 651 нафар спортчи иштирок этган ёзги олимпиада ўйинларида АҚШ 500 нафар спортчиси билан ғолиблик учун баҳс олиб борди. Мусобақалар тўлиқ мезбон спортчилар ташаббуси остида ўтди ва улар мусобақаларда ўйналган 89та олтин медалдан 70 тасини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида рақибларини анча ортда қолдириб, биринчи ўринни эгаллашди. Иккинчи ўрин германияликларга насиб этган бўлса, кубалик спортчилар учинчи ўрин билан чекланишди. Олимпияда уйинларида 18 спорт туридан жами 94 та медаллар жамланмаси уйналди

ABBYY PDF Transformer 2.0
Click here to buy
www.ABBYY.com
ABBYY PDF Transformer 2.0
Click here to buy
www.ABBYY.com

ЛОНДОН 1908

- **Лондон (Буюк Британия**). IV о**лимпиад**а **ўйинлари**.
  - 27 а**прел** - 31 о**ктябр**, 1908 **йил**.
- Олимпиада ўйинларида 22 мамлакатдан 2008 спортчи иштирок этди. Олимпиада ўйинларида илк маротаба Россия, Туркия, Австралазия (Австралия ва Янги Зеландия терма жамоаси). Олимпиада ўйинларида ғалаба қозонган Уильям ва Шарлотта Додлар олимпия тарихида ғалаба қозонган илк ака-сингиллар сифатида кирадиган бўлдилар. 42 километрли марафон мусобақасида иштирок этган италиялик Дорандо Пиетри финиш чизиғига саноқли метрлар қолганида қоидани бузганлиги сабабли марафонни тарк этишга мажбур бўлди. Лондонда бўлиб ўтган олимпиада ўйинларида буюк британиялик спортчилар биринчи, АҚШликлар иккинчи, швецияликлар эса учинчи ўрин соҳиби бўлишди. Олимпияда уйинларида 22 спорт туридан жами 110 та медаллар жамланмаси уйналди

ABBYY PDF Transformer 2.0 Click here to buy www.ABBYY.com

СТОКГОЛЬМ 1912

- **Стокгольм (Швеция**). V о**лимпиада ўйинлари**.
  - 5 **май** - 27 **июл**, 1912 **йил**.
- Олимпиада ўйинларида 28 мамлакатдан 2407 спортчи иштирок этди. Олимпиада ўйинларида илк маротаба Япония, Миср, Португалия мамлакатлари вакиллари ўз омадларини синаб кўришди. Умумжамоа ҳисобида Олимпиада ўйинларида қуйидаги давлатлар вакиллари юқори поғонадан жой эгаллашди: 1. Швеция, 2. АҚШ, 3. Буюк Британия. Олимпияда уйинларида жами 109 та медаллар жамланмаси уйналди

ABBYY PDF Transformer 2.0 Click here to buy www.ABBYY.com

ABBYY PDF Transformer 2.0 Click here to buy www.ABBYY.com

ABBYY PDF Transformer 2.0 Click here to buy www.ABBYY.com

- **БЕРЛИН** 1916
- VI о**лимпиада ўйинлари Берлинд**а (**Германия**) **ташкиллаштирилиши лозим эди**. **Лекин биринчи жаҳон урушининг бошланиши олимпиада ўйинларини тўхтатиб туришга сабаб бўлди**.

ABBYY PDF Transformer 2.0
Click here to buy
www.ABBYY.com
ABBYY PDF Transformer 2.0
Click here to buy
www.ABBYY.com

АНТВЕРПЕН 1920

- **Антверпен (Бельгия**). VII о**лимпиада ўйинлари**.
- 20 а**прел** - 12 **сентябр**, 1920 **йил**.
- Олимпиада ўйинларида 29 мамлакатдан 2607 нафар спортчи иштирок этди. Олимпиада ўйинларида илк маротаба Аргентина, Бразилия, Чехословакия, Югославия каби мамлакат спортчилари ўз омадларини синаб кўрдилар. Олимпия қўмитаси қарорига биноан I жаҳон уруши сабабчиси ҳисобланган Германия ва унга иттифоқдош бўлган мамлакатларнинг олимпиада ўйинларида иштирок этиши таъқиқлаб қўйилди. Шунингдек, Собиқ иттифоқ вакилларининг ҳам олимпиада учрашувларидаги иштироки маън этилди. Учта олтин ва битта кумуш медални қўлга киритган финландиялик чопқир Пааво Нурмин Олимпиада ўйинларининг энг яхши спортчиси деб топилди. Мусобақанинг якуний жадвали қуйидагича кўриниш олди: 1. АҚШ, 2. Швеция, 3. Буюк Британия. Олимпияда уйинларида 26 спорт туридан жами 154 та медаллар жамланмаси уйналди

ABBYY PDF Transformer 2.0 Click here to buy www.ABBYY.com

ПАРИЖ 1924

- **Париж (Франция**) VIII о**лимпиада ўйинлари**.
- 4 **май** - 27 **июл**, 1924 **йил**.
- Олимпиада ўйинларида 44 мамлакатдан 3089 нафар спортчи иштирок этди. Олимпиада ўйинларида илк маротаба Мексика, Польша, Руминия, Уругвай, Филиппин каби давлатлар вакиллари қатнаша бошлади. Олимпия қўмитаси германиялик спортчиларга олимпиада ўйинларида иштирок этишни бу сафар ҳам таъқиқлаб қўйишди. Ғолибликни яна АҚШ вакиллари қўлга киритган бўлишса, францияликлар иккинчи, финландияликлар эса учинчи поғонадан жой олишди. Олимпияда уйинларида 17 спорт туридан жами 126 та медаллар жамланмаси уйналди

ABBYY PDF Transformer 2.0 Click here to buy www.ABBYY.com

АМСТЕРДАМ 1928

- **Амстердам (Голландия**). IX о**лимпиада ўйинлари**.
- 17 **май** - 12 а**вгуст**, 1928 **йил**.
- Олимпиада ўйинларида 46 мамлакатдан 2883 нафар спортчи иштирок этди. Илк маротаба олимпиада ўйинларида Мальта, Панама каби мамлакат спортчилари иштирок этишга муваффақ бўлишди. 16 йиллик танаффусдан сўнг ниҳоят германиялик спортчилар олимпиада ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди. Амстердамда ўтган олимпиада ўйинларининг очилиш маросимида биринчи маротаба кабутарлар учирилди, биринчи маротаба аёллар гимнастикаси олимпиада спорт турлари қаторидан жой олди. Қизиқарли учрашувларга бой бўлган баҳсларда АҚШ вакиллари яна бир бор биринчи ўринни қўлга киритган бўлишса, 16 йиллик танаффусдан сўнг яна олимпиада ўйинларида иштирок эта бошлаган германиялик спортчилар иккинчи ўринни қўлга киритишди. Швециялик спортчилар учинчи ўринга муносиб деб топилди. Олимпияда уйинларида 14 спорт туридан жами 109 та медаллар жамланмаси уйналди

ABBYY PDF Transformer 2.0
Click here to buy
www.ABBYY.com

ЛОС-АНЖЕЛЕС 1932

- **Лос**-А**нжелес** (А**ҚШ**). X о**лимпиада ўйинлари**.
- 30 **июл** - 14 а**вгуст**, 1932 **йил**.
- Бу галги олимпиада ўйинларида 37 мамлакатдан 1332 нафар спортчи ўз омадларини синаб кўришди. Илк маротаба олимпиада ўйинларида Хитой ва Колумбиядан ташриф буюрган спортчилар ҳам иштирок этди. Лос-Анжелесда ташкиллаштирилган олимпиада ўйинларида илк маротаба олимпиа шаҳарчаси барпо этилди. X олимпиада ўйинларида 41та олимпиада ва 18та жаҳон рекорди янгиланди. Мутахассислар 5 маротаба олтин медални қўлга киритган япониялик спортчини Олимпиада сенсацияси сифатида эътироф этишди. Олимпиадада мезбонлар меҳмон давлат вакилларидан кўра кўпроқ медалларни қўлга киритиб, биринчи ўринни қўлга киритган бўлишса, италияликлар иккинчи, германияликлар эса учинчи поғонадан жой эгаллашди. Олимпияда уйинларида 14 спорт туридан жами 117 та медаллар жамланмаси уйналди

ABBYY PDF Transformer 2.0
Click here to buy
www.ABBYY.com

ABBYY PDF Transformer 2.0
Click here to buy
www.ABBYY.com

БЕРЛИН 1936 ЙИЛ

- **Берлин (Германия)**. XI о**лимпиада ўйинлари**.
  - 1-16 а**вгуст**, 1936 **йил**.
- Олимпиада ўйинларида 51 мамлакатдан 4066 нафар спортчи иштирок этди. Илк маротаба олимпиада ўйинларида Афғонистон, Боливия, Коста-Рика, Лихтенштейн, Перу мамлакат вакиллари қатнашди. Тўртта олимпиада рекордини янгилаган нигериялик Оуенс Олимпиада ўйинлари қаҳрамони сифатида эътироф этилди. Ўз уйида кечган олимпиада ўйинларида германиялик спортчилар биринчи ўринни қўлга киритишди. АҚШ ва Италия давлатлари вакиллари эса иккинчи ва учинчи ўринларни бўлиб олишди. Берлинда ўтказилган олимпиада ўйинлари машъаласи биринчи маротаба қуёш нурлари орқали ёқилиб, Грециядан Берлингача бўлган масофани спортчилар эстафетаси ёрдамида босиб ўтди. Олимпияда уйинларида 19 спорт туридан жами 129 та медаллар жамланмаси уйналди

ABBYY PDF Transformer 2.0
Click here to buy
www.ABBYY.com

ХЕЛСИНКИ 1940

- XII олимпиада ўйинлари 1940 йил Хельсинкида (Финляндия) ўтказилиши лозим эди. Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши олимпиада ўйинларини ўтказишга тўсқинлик қилди.

ABBYY PDF Transformer 2.0 Click here to buy www.ABBYY.com
ABBYY PDF Transformer 2.0 Click here to buy www.ABBYY.com

ЛОНДОН 1944

- ХIII **олимпиада ўйинлари** 1944 **йил Лондонд**а (**Буюк Британия**) **ташкиллаштирилиши лозим эди**. **Лекин иккинчи жаҳон урушининг бошланиши олимпиада ўйинларини тўхтаб туришг**а **мажбур этдиди**.

ABBYY PDF Transformer 2.0
Click here to buy
www.ABBYY.com
ABBYY PDF Transformer 2.0
Click here to buy
www.ABBYY.com

ABBYY PDF Transformer 2.0
Click here to buy
www.ABBYY.com
ABBYY PDF Transformer 2.0
Click here to buy
www.ABBYY.com

ЛОНДОН 1948

- **Лондон (Буюк Британия**). XIV о**лимпиада ўйинлари**.
- 29 **июл** - 14 а**вгуст**, 1948 **йил**.
- Бу галги олимпиада ўйинларида 59 мамлакатдан 4099 нафар спортчи иштирок этди. Илк маротаба олимпиада ўйинларида Бирма, Венесуэла, Ироқ, Эрон, Покистон, Сурия, Цейлон, Жанубий Корея, Ямайка мамлакатидан ташриф буюрган спортчилар иштирок этишди. Иккинчи жаҳон урушининг бош сабабчилари - Германия ва япониялик спортчиларнинг олимпиада ўйинларидаги иштироки таъқиқлаб қўйилди. Аёллар ўртасида югуриш мусобақаларининг барчасида ғалаба қозонган голландиялик Францина Бланкерс-Кун олимпиада ўйинлари қаҳрамони сифатида тарих зарварақларидан жой эгаллади. Шунингдек, венгриялик боксчи Ласло Папп ҳам олимпиада ўйинлари қаҳрамонларидан бирига айланди. Англияликлар мусобақада мезбонлик қилишларига қарамай, ҳатто кучли учликка ҳам кира олмадилар. АҚШлик спортчилар эса аксинча, меҳмонда ҳаракат қилишган бўлса-да, бошқа жамоа аъзоларидан кўп олтин медалларни қўлга киритиб, биринчи ўринни эгаллашди, швецияликлар иккинчи, французлар эса учинчи поғонадан жой олдилар. Олимпияда уйинларида 17 спорт туридан жами 136 та медаллар жамланмаси уйналди.

ABBYY PDF Transformer 2.0
Click here to buy
www.ABBYY.com

ХЕЛЬСИНКИ 1952

- Хельсинки (Финляндия). XV олимпиада ўйинлари.
- 19 июл - 3 август, 1952 йил.
- Олимпиада ўйинларида 69 мамлакатдан 4925 нафар спортчи қатнашди. Илк маротаба олимпиада ўйинларида СССР (300га яқин спортчилар билан), Африка мамлакатлари, Исроил, Индонезия, ГФР каби мамлакат спортчилари иштирок этдилар. Собиқ иттифоқ шарафини ҳимоя қилган Виктор Чукарин марафон мусобақасида 4 та олтин, 2 та кумуш медалини қўлга киритиб, Олимпиада қаҳрамонларидан бирига айланди. Илк маротаба олимпиада ўйинлари ғолиблиги иккита жамоага насиб этди. СССР ва АҚШ спортчилари тўплаган медаллар сони бир хил бўлганлиги учун улар 1-2 ўринларни бўлиб олишди. Венгрияликлар эса Хельсинкида ўтказилган олимпиада ўйинларида учинчи ўринни банд этишди. Олимпияда уйинларида 17 спорт туридан жами 149 та медаллар жамланмаси уйналди

ABBYY PDF Transformer 2.0
Click here to buy
www.ABBYY.com

ABBYY PDF Transformer 2.0
Click here to buy
www.ABBYY.com

МЕЛЬБУРН 1956 **ЙИЛ**

- **Мельбурн (Австралия)**. XVI о**лимпиада ўйинлари**.
- 1956 **йил**, 22 **ноябр** - 8 **декабр**.
- Австралияда бўлиб ўтган олимпиада ўйинларида 67 мамлакатдан 3184 нафар спортчи иштирок этди. Австралияда жонзотлар орасида тарқалган касаллик сабабли от спорти ўйинлари Стокгольмда 11-17 июн кунлари бўлиб ўтди. XVI олимпиада ўйинларида илк маротаба Кения, Эфиопия, Уганда, Фиджи давлатлари вакиллари қатнашишди. Бундан ташқари, ГДР ва ФРГ спортчилари биргаликда мусобақаларда иштирок этишди. Собиқ иттифоқ таркибида олимпиада ўйинларида енгил атлетика йўналишида қатнашган Владимир Кус 5000 ва 10000 метрли маррани биринчилардан бўлиб босиб ўтиши натижасида олимпиада рекордини ўрнатиш билан бирга, мутахассислар томонидан ўйинларининг энг яхши спортчиси дея эътироф этилди. Собиқ иттифоқ спортчилари Мельбурнда ташкиллаштирилган олимпиада ўйинларида 37 та олтин, 29 та кумуш, 32 та бронза медаллари билан тақдирланишди ва жамоавий медаллар ҳисобига кўра биринчи ўрин соҳиби бўлишди. АҚШлик ва австралиялик спортчилар эса иккинчи, учинчи ўринларни бўлиб олишди. Олимпияда уйинларида 17 спорт туридан жами 145 та медаллар жамланмаси уйналди

ABBYY PDF Transformer 2.0 Click here to buy www.ABBYY.com

РИМ 1960 **ЙИЛ**

Рим (Италия). XVIII о**лимпиада ўйинлари**.

1960 **йил**. 25 **август** 11**сентябр**.

- Римда бўлиб ўтган олимпиада ўйинларида 83 мамлакатдан 5348 нафар спортчи иштирок этишди. XVIII олимпиада ўйинларида илк маротаба Марокаш, Бирлашган Араб Амирликлари, Сан-Марино, Тунис давлатлари вакиллари ўз омадларини синаб кўришди. Спортчилар 76та олимпиада рекордини янгилашга муваффақ бўлдилар. Собиқ иттифоқ вакили Юрий Власов, учта олтин медални қўлга киритган америкалик Вильма Рудольф ва эфиопиялик марафончи Абебе Бикилалар Олимпиада ўйинларининг энг яхши спортчилари деб топилдилар. Илк маротаба олимпиада ўйинларида спортчининг вафот этиши кузатилди. Даниялик велопойгачи К. Е. Йенсен допинг моддасини истеъмол қилиши натижасида вафот этди. Медаллар бўйича СССР спортчилари биринчи ўринни қўлга киритган бўлса, америкаликлар иккинчи, германияликлар эса учинчи ўринни банд этишди. Олимпияда уйинларида 17 спорт туридан жами 150 та медаллар жамланмаси уйналди

ABBYY PDF Transformer 2.0 Click here to buy www.ABBYY.com

ТОКИО 1964 ЙИЛ

- **Токи**о (**Япония**). XVIII о**лимпиада ўйинлари**.
- 10-24 о**ктябр**, 1964 **йил**.
- Бу галги олимпиада ўйинларига илк маротаба Осиё қитъаси мезбонлик қилди. Япония пойтахтида ўтган олимпиада ўйинларида иштирок этувчи давлатлар сони аввалгисига қараганда бирмунча ортди (93 давлат), лекин иштирокчилар сони камайиб кетди (5140 киши). XVIII олимпиада ўйинларида илк маротаба Жазоир, Камерун, Конго, Сенегал, Ливия, Малайзия, Мўғулистон ва Непал мамлакатлари спортчилари қатнашдилар. Шунингдек, Токиода ўтган олимпиада ўйинларига илк маротаба дзюдо спорт тури ҳам киритилди. Олимпиада ўйинларида 35та жаҳон ва 77та олимпиада рекорди янгиланди. Абебе Бикила олимпиада тарихида марафонча югуриш бўйича каторасига икки маротаба ғалаба қозонган биринчи спортчи бўлиб тарих сахифаларидан ўрин оладиган бўлди. Собиқ иттифоқ шарафини ҳимоя қилган Вячеслав Иванов эса каторасига учта олимпиада ўйинларида ғалаба қозонди. Медаллар сони бўйича СССР вакиллари АҚШлик спортчилардан олдинга ўтиб кетган бўлса-да, олтин медаллар сони бўйича ортда қолди. Токиода ўтган олимпиада ўйинларида СССР таркибида ҳамюртларимиздан Светлана Бабанина, Наталья Устинова, Сергей Диамидов, Алексей Коклюшевлар ҳаракат қилишди. Илк маротаба Токиодаги олимпиада ўйинларини бошқа қитъаларга ҳам телетрансляция қилинди ва бир миллиарддан ортиқ киши бевосита ойнаи жаҳон орқали учрашувларни кузатиш имкониятига эга бўлдилар. Юқорида айтиб ўтганимиздек, собиқ иттифоқ вакиллари биринчи, АҚШликлар иккинчи, германиялик спортчилар эса олимпиада ўйинларининг учинчи ўрини соҳиби бўлишди. Олимпияда уйинларида 19 спорт туридан жами 163 та медаллар жамланмаси уйналди

ABBYY PDF Transformer 2.0 Click here to buy www.ABBYY.com

ABBYY PDF Transformer 2.0 Click here to buy www.ABBYY.com

МЕХИКО 1968 ЙИЛ

- **Мехико. XIX олимпиада ўйинлари. 12-27 октябр 1968 йил.**
- XIX олимпиада ўйинларига мезбонлик қилиш ҳуқуқини Мексика пойтахти қўлга киритди. Жанубий Америкада ташкиллаштирилган олимпиада ўйинлари кескин курашларга бой бўлиб, унда 112 мамлакатдан 5530 нафар спортчилар иштирок этди. Мехикодаги олимпиада ўйинларида бир нечта Осиё ва Африка қитъасидан ташриф буюрган бир нечта мамлакатлар ўз дебютларини ўтказишди. СССР таркибида бу сафарги олимпиада ўйинларида ҳамюртларимиздан Светлана Бабанина, Наталья Устинова, Вера Дуюнова, Михаил Коклюшев ва Сергей Коновлар иштирок этишди. XIX олимпиада ўйинлари АҚШлик спортчилар ташаббуси остида ўтди, деб бемалол айтса бўлади. Американикларнинг 45 маротаба шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой эгаллагани сўзимизга исбот бўла олади. Собиқ иттифоқ спортчилари Мехикодан иккинчи ўрин билан қайтиб келишган бўлса, германияликлар учуинчи ўрин билан чегараланишди. Чехославакиялик Вера Чеславска 4та олтин медалларни қўлга киритиб, Олимпиада тарихига ўз номини олтин ҳарфлар билан ёзиб қўядиган бўлди. Олимпияда уйинларида 20 спорт туридан жами 172 та медаллар жамланмаси уйналди

ABBYY PDF Transformer 2.0 Click here to buy www.ABBYY.com

ABBYY PDF Transformer 2.0 Click here to buy www.ABBYY.com
ABBYY PDF Transformer 2.0 Click here to buy www.ABBYY.com

МЬЮНХЕН 1972 ЙИЛ

- **Мьюнхен (Германия)**. XX о**лимпиада ўйинлари**.
- 26 а**вгуст** - 11 **сентаябр** 1972 **йил**.
- Германияда бўлиб ўтган олимпиада ўйинлари аянчли хотиралар билан ёдда қоладиган бўди. Сабаби “Қора сентябр” деб ном олган фаластинлик бир гуруҳ терористлар тайёрагоҳда исроиллик спортчиларни гаровга олишади. Бунинг натижасида исроиллик бир нечта мураббий ва спортчилар ҳаётдан кўз юмишди. Олимпиада ўйинларининг очилиш маросими бир дақиқалик сукут билан бошланди. Шундан кейингина спорт ўйинларига рухсат берилди. Мьюнхендаги олимпиада ўйинларида 121 мамлакатдан 7170 нафар спортчи иштирок этди. Шунингдек, Мьюнхенда илк маротаба Албания, КХДР ва Того вакиллари ҳам қатнашишди. СССР шарафини ҳамюртларимиздан Вера Дуюнова, Элвира Сади, Алжан Жормуҳамедов, Рустам Қозоқов, Николай Анфимов ва Александр Юдинлар ҳимоя қилдилар. Мьюнхендаги сув ҳавзаларида америкалик Марк Спис 7 та олтин медални қўлга киритиб, ўзига хос рекорд ўрнатишга муваффақ бўлди. СССРлик спорт усталари 50та олтин медалларини ўз ҳисобларига ёзиб қўйиб, олимпиада рекордини янгилашди. Германияда ўтказилган олимпиада ўйинларида америкаликлар СССР вакилларидан кейинги иккинчи, мезбонлар эса учинчи поғонани банд этишди. Олимпияда ўйинларида 23 спорт туридан жами 195 та медаллар жамланмаси ўйналди

ABBYY PDF Transformer 2.0
Click here to buy
www.ABBYY.com
ABBYY PDF Transformer 2.0
Click here to buy
www.ABBYY.com

МОНРЕАЛ 1976 ЙИЛ

- **Монреал (Канада). XXI олимпиада ўйинлари.**
- 17 **июл** - 1 **август**, 1976 **йил**.
- Канадада ўтказилган олимпиада ўйинларида 92 мамлакатдан 6028 нафар спортчи иштирок этди. Бу сафарги олимпиада ўйинларида илк маротаба Андорра, Янги Гвинея вакиллари иштирок этишди. СССР таркибида ҳамюртларимиздан Собиржон Рўзиев, Владимир Фёдоров, 1974 йилда ўтказилган бокс бўйича жаҳон чемпионати ғолиби Руфат Рихсиев, Валерий Дворяниновлар ўз омадларини синаб кўришди. Ҳамюртимиз Руфат Рихсиев кумуш медал билан тақдирланган бўлса, пахтакорчи В.Фёдоров собиқ иттифок терма жамоаси таркибида бронза медални қўлга киритди. Монреалда бўлиб ўтган олимпиада ўйинларида ГДР вакиллари кутилганидан ҳам муваффақиятли иштирок этишди. Буни уларнинг АҚШ спортчиларини ортда қолдириб, СССР вакилларидан кейинги иккинчи ўринни қўлга киритгани билан эътироф этса бўлади. Олимпияда уйинларида 21 спорт туридан жами 198 та медаллар жамланмаси уйналди

ABBYY PDF Transformer 2.0
Click here to buy
www.ABBYY.com

МОСКВА 1980 ЙИЛ

- **Москв**а (**СССР**). XXII о**лимпиада ўйинлари**.
- 19 **июл** – 3 а**вгуст**, 1980 **йил**.
- Москвада ташкиллаштирилган олимпиада ўйинларида АҚШ, ГФР, Япония ва яна бошқа ўнлаб давлатлар Собиқ иттифоқнинг Афғонистонга қарши уруш эълон қилганлиги учун олимпиада ўйинларида иштирок этмасликларини билдиришди. Шунга қарамай, Москвадаги олимпиада ўйинларига 80 мамлакатдан 5179 нафар спортчилар ташриф буюрди. XXII олимпиада ўйинларида 36 та жаҳон, 39 та Европа рекордлари ўрнатилиши билан бир қаторда, 79 маротаба олимпиада рекордлари янгиланди. Собиқ иттифоқ спортчилари бир нечта кучли давлатларнинг иштирок этмаганидан унумли фойдаландилар ва 80 та олтин, 69 та кумуш, 46 та бронза медалларини қўлга киритдилар. Собиқ иттифоқ таркибида ҳаракат қилган ҳамюртларимиз Ўзбекистонга 13 та медаллар, шу жумладан 4 та олтин - Юрий Ковшов битта олтин, битта кумуш, волейбол терма жамоасида иштирок этган вакиламиз Лариса Павлова олтин, Эркин Шагаев олтин медалини қўлга киритдилар. Москвадаги олимпиада ўйинларида Александр Дитятин ўзига хос ўйин кўрсатиб, 3 та олтин, 4 та кумуш ва 1та бронза медалларини қўлга киритди. Шундай қилиб якуний жадвал қуйидагича кўриниш ясади: 1. СССР, 2. ГДР, 3. Болгария. Олимпияда уйинларида 21 спорт туридан жами 203 та медаллар жамланмаси уйналди

ABBYY PDF Transformer 2.0
Click here to buy
www.ABBYY.com
ABBYY PDF Transformer 2.0
Click here to buy
www.ABBYY.com

ЛОС-АНЖЕЛЕС 1984 ЙИЛ

- **Лос-Анжелес** (А**ҚШ**). XXIII о**лимпиада ўйинлари**.
- 28 **июл** – 12 а**вгуст**, 1984 **йил**.
- XXIII олимпиада ўйинларида Москвадаги каби Европанинг бир нечта кўзга кўринган давлатлари мусобақаларда иштирок этишдан бош тортишди. Шу жумладан СССР ва ГДР вакиллари ҳам мусобақа олдидан иштирок этмасликларини баён қилиб чиқишди. Шунга қарамай, олимпиада ўйинларида 140 мамлакатдан 6797 нафар спортчи иштирок этди. Кучли давлат вакиллари қатнашмаётганлиги туфайли мусобақада АҚШ вакиллари яққол устунликка эга бўлишди. Бунинг натижаси ўлароқ океанорти спортчилари 83та олтин, 31та кумуш, 30та бронза медалларини қўлга киритишди. Америкалик спринтер Карл Луис 4 маротаба шоҳсупанинг биринчи поғонасидан жой олишга муваффақ бўлди. Олимпияда уйинларида 23 спорт туридан жами 221 та медаллар жамланмаси уйналди

ABBYY PDF Transformer 2.0
Click here to buy
www.ABBYY.com

СЕУЛ 1988 ЙИЛ

- **Сеул (Жанубий Корея**) XXIV о**лимпиада ўйинлари**.
  - 17 **сентябр** - 2 о**ктябр**, 1988 **йил**.
- Сўнгги уч олимпиада ўйинларидан фарқли равишда Жанубий Кореяга 159 мамлакатдан жами 8465 спортчи ташриф буюрди. Ниҳоят, Кореяда бўлиб ўтган олимпиада ўйинларида барча кучли давлатлар вакиллари иштирок этишди. XXIV олимпиададан бошлаб катта ва кичик теннислар ҳам киритилди. Кореяда ташкиллаштирилган олимпиада ўйинларида СССР таркибида ҳамюртларимиздан 7 нафари муносиб иштирок этиб, юртимизга 2 олтин, 2 та кумуш ва битта бронза медаллари билан қайтиб келишди. Бу галги олимпиада ўйинларини ҳам допинг муаммоси четлаб ўтмади. 100 метрга югуриш бўйича ғолибликни қўлга киритган канадалик Бен Жонсон анализ топшириқларидан ўтаётганида унинг допинг моддаси истемол қилгани маълум бўлди ва чемпионатда қўлга киритган ютуғи бекор қилинди. Америкалик чопқир Флоренс Гриффит-Жойнер 100 ва 200 метрларга югуриш бўйича жаҳон рекордини ўрнатган бўлса, унинг ҳамюрти Метт Бионди 5 маротаба шоҳсупанинг энг юқори поғанасидан жой эгаллади. ГДРлик сузувчи Кристин Отто эса 6та олтин медални қўлга киритди. Осиё қитъасида ўтказилган олимпиада ўйинларида собиқ иттифоқ терма жамоаси биринчи ўринни қўлга киритган бўлса, ГДР вакиллари иккинчи поғонадан жой эгаллашди. АҚШлик спортчилар эса учинчи ўрин билан чегараланишди. Олимпияда уйинларида 27 спорт туридан жами 263 та медаллар жамланмаси уйналди

ABBYY PDF Transformer 2.0
Click here to buy
www.ABBYY.com

ABBYY PDF Transformer 2.0
Click here to buy
www.ABBYY.com

БАРСЕЛОНА 1992 ЙИЛ

- **Барселона (Испания) XXV олимпиада ўйинлари,**
- 25 **июл** - 9 **август** 1992 **йил**.
- 1991 йил собиқ иттифоқ парчаланиб кетиши натижасида Барселонада ўтган олимпиада ўйинларида мустақилликка эришган давлатлар ўз номи билан иштирок эта олмаганлиги учун улар сўнгги маротаба МДҲ таркибида ҳаракат қилишди. XXV олимпиада ўйинларида 169 мамалакатдан 9356 нафар спортчи иштирок этишди. Бу галги олимпиада ўйинларига бейсбол спорт тури ҳам киритилди. Илк маротаба Барселонада Американинг профессионал баскетболчилар жамоаси “Dream team” ҳам иштирок этди ва олтин медалларни қўлга киритди. МДҲ таркибида ҳамюртларимиздан 17 нафари қатнашиб, юртимизга учта олтин, иккита кумуш ва битта бронза медаллари билан қайтишди. Гимнастика йўналишида иштирок этган украиналик Виталий Шербо 6 олтин медални қўлга киритиб, МДҲ таркибида энг яхши спортчилардан бири деб топилди. Барселонадаги олимпиада ўйинларида 45та олтин, 38 та кумуш ва 29 та бронза медаллари билан МДҲ спортчилари биринчи ўринни эгаллашган бўлса, АҚШликлар иккинчи, немис вакиллари учинчи поғонадан жой эгаллашди. Олимпияда уйинларида 32 спорт туридан жами 286 та медаллар жамланмаси уйналди

ABBYY PDF Transformer 2.0
Click here to buy
www.ABBYY.com

АТЛАНТА 1996 **ЙИЛ**

- **Атлант**а (А**ҚШ**). XXVI о**лимпиада ўйинлари**.
- 19 **июл** - 4 а**вгуст** 1996 **йил**.
- 1996 йилги олимпиада ўйинлари юртимиз тарих зарварақларига зарҳал ҳарфлар билан битиб қўйиладиган бўлди. Айнан шу йилдан эътиборан Ўзбекистон терма жамоаси мустақил давлат сифатида 13 йўналишдаги спорт ўйинларида 67 нафар вакилимиз билан спорт ўйинларида иштирок этишди ва мусобақаларда қатнаша бошлади. 197 мамлакатдан 10320 нафар спортчи иштирок этган олимпиада ўйинларида ҳамюртларимиз умумжамоа ҳисобида 58-ўринни эгаллашди. Дзюдочимиз Армен Богдасаров бир-биридан қийин бир нечта учрашувда ғалаба қозонди ва кумуш медал билан тақдирланди. Боксчимиз Карим Тўлаганов бронза медали соҳиби бўлди. Атлантада ташкиллаштирилган олимпиада ўйинларида илк маротаба пляж волейболи ҳам киритилди. Умумжамоа ҳисобида мезбонлар биринчи поғонани банд этишган бўлса, германиялик спортчилар доимо пешқадамлар сафида юрадиган россияликларни ортда қолдириб иккинчи ўринни қўлга киритишди. Олимпияда уйинларида 26 спорт туридан жами 271 та медаллар жамланмаси уйналди

ABBYY PDF Transformer 2.0 Click here to buy www.ABBYY.com

СИДНЕЙ 2000 **ЙИЛ**

- **Сидней** (**Австралия**). XXVII о**лимпиада ўйинлари**.
- 15 **сентябр** – 1о**ктябр** 2000**йил**.
- Сиднейда ўтказилган олимпиада ўйинлари ўзгача хотиралар билан ёдда қоладиган бўлди. 199 мамлакатдан 10651 нафар спортчи иштирокидаги олимпиадада ўйинларини 220 мамлакатнинг 16 минг нафар журналистлари ёритиб боришди. Ундан ташқари 3.7 миллиард мухлис тўғридан тўғри репортажни кўриш имкониятига эга бўлишган бўлса, 25 миллион киши интернет орқали янги хабарлар билан танишиб боришди. Сиднейга ҳамюртларимиздан 77 нафар спортчи билан ташриф буюрди ва битта олтин, битта кумуш, иккита бронза медалини қўлга киритиб, норасмий ҳисоб-китобларга кўра, умумжамоа ҳисобида 41-ўринни банд этишди. Умумжамоа ҳисобида америкалик спортчилар Атлантадаги натижаларини такрорлаб, яна бир бор биринчи поғонани банд этишди, россиялик спортчилар иккинчи поғонадан жой эгалладилар. Сўнгги пайтларда муваффақиятли иштирок этаётган хитойликлар учинчи ўринни қўлга киритдилар. Олимпияда ўйинларида 28 спорт туридан жами 300 та медаллар жамланмаси ўйналди

ABBYY PDF Transformer 2.0 Click here to buy www.ABBYY.com

АФИНА 2004 **ЙИЛ**

- **Афина (Греция**). XXVIII о**лимпиада ўйинлари**.
- 13 **август** – 29 **август** 2004**йил**.
- Греция кадимий олимпия ўйинларининг ватани хисобланади. Биринчи замонавий олимпия уйинлари Афинада 1896 йили утказилган. 2004 йил XXVIII олимпия уйинлари Афинада утказилгандам узининг тарихий илдизларига кайтди. Афина энг куп, 10 625 нафар олимпиада иштирокчиларини кабул килди. 201 Давлатдан вакиллар Афинага келишди. Биринчи маротаба олимппия машаласи барча китъалардан олиб утилди. Олимпия уйинларини 21 500 нафар журналистлар оммавий ахборот восиалари оркали ёритиб боришди. Уйинларни хавфсизлигига 45000 нафар ходим жалб килинди. Олимпия кишлогида 16000 дан ортик спортчи ва бошка жамоа вакиллари яшашди.Олимпияда уйинларида 28 спорт туридан жами 301та медаллар жамланмаси уйналди. Афинага ҳамюртларимиз 69 нафар спортчи билан ташриф буюрди ва муносиб иштирок килиб, 2 та олтин, 1 та кумуш ва 2 та бронза медалини кулга киритиб умумжамоа хисобида 34-уринни кулга киритишди.

ABBYY PDF Transformer 2.0
Click here to buy
www.ABBYY.com

ПЕКИН 2008 **ЙИЛ**

- **Пекин (Хитой**). XIX о**лимпиада ўйинлари**.
- 8 **август** – 24 **август** 2008**йил**.
- Пекинда ўтказилган олимпиадада 40 дан ортик жахон рекордлари ва 130 дан ортик олимпия рекордлари янгиланди Америкалик сузувчи Майкл Фелпс ва Ямайкалик спринтер Усейн Болт узларининг юкори даражадаги спорт натижаларини намоён килишди. Шунингдек 20ёшли жанубий африкалик Натали дю Тойт 10 километрга сувда сузиш буйича мусобакаларда катнашиши барчани хайратлантирди. Натали 2001 йили автохалокатда оёгидан айрилган булиб, олимпия уйинлари тарихида биринчи маротаба олимпия ва Параолимпия уйинлари иштирокчисига айланди. Умумий ўйинлари ўзгача хотиралар билан ёдда қоладиган бўлди. 204 мамлакатдан 11 099 нафар спортчи иштирокидаги олимпиадада ўйинларини 220 мамлакатнинг 16 минг нафар журналистлари ёритиб боришди. Олимпияда уйинларида 28 спорт туридан жами 302 та медаллар жамланмаси уйналди Пекинга ҳамюртларимиздан 56 нафар спортчи билан ташриф буюрди ва битта олтин, иккита кумуш, учта бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 40-ўринни банд этишди..

ABBYY PDF Transformer 2.0
Click here to buy
www.ABBYY.com

ABBYY PDF Transformer 2.0
Click here to buy
www.ABBYY.com
ABBYY PDF Transformer 2.0
Click here to buy
www.ABBYY.com

ЛОНДОН 2012 ЙИЛ

- **Лондон (Буюк Британия**) XXX о**лимпиада ўйинлари**. 27 **июль** – 12 **август** 2012 **йил**.
- Олимпияда ўйинлари Лондонда учинчи маротаба ўтказилди. Лондонга энг кўп, 205 Давлатдан 12 500 нафар олимпиада иштирокчилари ташриф буюришди. Олимпияда уйинларида 31 спорт туридан жами 302 та медаллар жамланмаси уйналди. Лондонга ҳамюртларимиз 53 нафар спортчи билан ташриф буюрди ва муносиб иштирок килиб, 1 та олтин, 2 та бронза медалини қўлга киритиб умумжамоа хисобида 47-ўринни қўлга

ABBYY PDF Transformer 2.0
Click here to buy
www.ABBYY.com
ABBYY PDF Transformer 2.0
Click here to buy
www.ABBYY.com

РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО 2016 ЙИЛ

- **Рио-де-жанейро (Бразилия**) XXXI о**лимпиад**а **ўйинлари**. 5–21 **август** 2016 **йил**.
- Ушбу олимпиада Жанубий Америкадаги илк олимпиада ўйинлари сифатида тарихда қоладиган бўлди. Олимпиада ўйинлари 33 жойда ўтказилади. Ўйинларнинг очилиш ва ёпилиш маросимлари маракана стадионида ўтказилади. Олимпия ўйинларига 205 дан ортиқ давлатдан 12000 мингдан зиёд спортчи қатнашиши кутилмоқда

- Olimpiya ramzi – bir-biriga ulangan besh halqa. Ular yashil, qora, qizil, sariq va ko'k rangda tasvirlanib, besh qit'ani bildiradi. Bu 1913 yilda Kuberten taklifi bilan tasdiqlangan.

ABBYY PDF Transformer 2.0 Click here to buy www.ABBYY.com

- Olimpiya belgisi (emblema) – besh halqa ramzi bilan birga qo’shib, yil, shahar nomi va mamlakatning Olimpiya harakatidagi belgilari (nishon) ifodalanadi.

- Olimpiya mash’alasi – Olimpiya shahrida quyosh nuridan maxsus usulda mash’ala yoqiladi. U turli vositalar orqali Olimpiya o’yinlari o’tkaziladigan joyga yetkazib beriladi. Bu an’ana 1936 yil XI Olimpiya o’yinlaridan buyon davom etib keladi.

ABBYY PDF Transformer 2.0 Click here to buy www.ABBYY.com

- Olimpiya shiori (deviz):
- «Tezroq, balandroq, kuchliroq!»
- («Sitius, altius, fertius!») – Olimpiya harakatini bildiradi. Bu shior 1895 yil Kubertenning safdoshi va o’rtog’i Dominikan ordeni sohibi, din xodimi Martin Xidon tomonidan taklif etilgan va 1913 yilda bu shior XOQ tomonidan tasdiqlangan. 1920 yilda VII Olimpiadada birinchi marotaba bu shior o’qiladi.

ABBYY PDF Transformer 2.0 Click here to buy www.ABBYY.com

- Olimpiya qasamyodi. Sportchilarning Olimpiya qasamyodi Kuberten tomonidan ishlab chiqiladi va VII Olimpiya o'yinlarida (1920) amalga oshiriladi. Shu o'rinda aytish lozimki, Olimpiya o'yinlari hakamlari ham qasamyod qiladilar. Bu esa 1968 yildan buyon amalda qo'llanib kelinmoqda.

ABBYY PDF Transformer 2.0 Click here to buy www.ABBYY.com

- Olimpiya qasamyodi.
- Sportchilarning Olimpiya qasamyodi Kuberten tomonidan ishlab chiqiladi va VII Olimpiya o'yinlarida (1920) amalga oshiriladi. Shu o'rinda aytish lozimki, Olimpiya o'yinlari hakamlari ham qasamyod qiladilar. Bu esa 1968 yildan buyon amalda qo'llanib kelinmoqda.

Olimpiya gimni.

- Gimn 1896 yilda yaratilgan. Kostas Palomov so’zi va Sipros Samar musiqasi bilan yaratilgan Olimpiya gimni rasmiy ravishda 1957 yilda XOQ tomonidan tasdiqlanadi.

- Olimpiya medallari va yorliqlari: oltin medal – kumushdan yasalib, uning usti 6 g. oltin bilan qoplangan. Kumush medal esa 925 probali kumushdan tarkib topgan. Bronza medali. Ular 1, 2, 3-o'rinlar uchun mo'ljallangan. Diplomlar (yorliq) 1-6-o'rinlarni egallagan sportchilar va jamoalarga taqdim etiladi.

ABBYY PDF Transformer 2.0 Click here to buy www.ABBYY.com

- Olimpiya mukofotlari: orden va kubok. Ordenlar oltin, kumush va bronzalardan iborat bo'lib, Olimpiya harakatiga qo'shgan ulkan hissalari uchun rahbar shaxslarga yuksak sport natijalariga ega bo'lgan sportchilarga beriladi. Bu 1975 yilda tasdiqlangan. Olimpiya kubogi 1906 yilda tasdiqlanib, Olimpiya sport turlarida katta yutuklarga erishgan jamoalarga beriladi.

ABBYY PDF Transformer 2.0 Click here to buy www.ABBYY.com

- Olimpiya nishonlari (atributlar): nishonlar (znachok), tamg'alar (monet), ramzlar (talismon), piktogrammalar va h.k. hisoblanadi. Bu nishonlar Olimpiya o'yinlarini o'tkazuvchi shahar va tashkiliy qo'mita tomonidan tayyorlanadi.

ABBYY PDF Transformer 2.0 Click here to buy www.ABBYY.com

- Olimpiya Xartiyasi birinchi kongressda (1894 y.) qabul qilinib, ko'p sohalarda keyinchalik o'zgartirishlar kiritilgan. Shunday bo'lsada, uning asosi (Kuberten ishlab chiqqan mazmuni) hozirgi davrda ham o'z kuchini yo'qotgan emas.
- Xartiya asosida XOQ milliy Olimpiya qo'mitalari, Xalqaro sport federasiyalari, xalqaro sport uyushmalari va boshqa aloqador tashkilotlar bilan hamkorlikda ish olib boradi.

- **Olimpiya kongresslari.** Birinchi XOQ kongressi (1894) haqida o'tganligi boblarda bayon etildi. 1897 yil ikkichi kongress Gagada o'tkaziladi. U sport pedagogikasi va gigiyenasiga bag'ishlangan. Uchinchi kongress 1905 yilda Bryusselda o'tkaziladi. Unda maktablar, universitetlar, shahar va qishloq jamoalari (obshina), armiya va xotin-qizlar orasida jismoniy tarbiya va sportni rivojlantirish masalalari muhokama qilinadi. Keyingi uchta kongress (1906 yil Parijda, 1913 yil Lozannada, 1914 yil Parijda) dasturlariga san'at, adabiyot va sport, sport psixologiyasi, olimpiya qoidalari kiritilgan edi.
- Olimpiya o'yinlari va harakatining obro'-e'tiborini oshirishda keyingi o'tkazilgan kongresslar katta rol o'ynagan. VII kongress 1921 yil Lozannada, VIII kongress – 1925 yil Pragada, IX kongress – 1930 yil Berlinda o'tkazilgan. Ularda havaskorlik sporti, o'yinlarining muddatlari, dasturlari, xotin-kizlarning sportda qatnashishi, yoshlar sportini rivojlantirish va boshqa masalalar muhokama etilgan.
- Kongresslardagi g'oyalar va muammolar omma orasida jismoniy tarbiya va sportni rivojlantirishga katta hissa qo'shgan.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

- 1. O’zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi; T., «O’zbekiston», 1992.
- 2. O’zbekiston Respublikasining «Jismoniy tarbiya va sport to’g’risida»gi qonuni, 2000
- 3. O’zbekiston Respublikasining «Ta’lim to’g’risida»gi qonuni, 1997
- 4. Qadrlar tayyorlash milliy dasturi, 1997
- 5. O’zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining «O’zbekistonda jismoniy tarbiya va sportni yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to’g’risida»gi 271-qarori, may, 1999.
- 6. O’zbekiston Respublikasi Vazirlzr Mahkamasining «Respublika ma’naviyat va ma’rifat jamoatchilik markazining faoliyatini tashkil qilish to’grisida»gi qarori, 26 aprel, 1993.

ABBYY PDF Transformer 2.0 Click here to buy www.ABBYY.com

E’TIBORINGIZ UCHUN RAXMAT!!!



Tuzuvchi: Yaqubova D.